МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 15 октябрь, №86 (1053)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

МДҲ давлат раҳбарларини қутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Учрашувимиз, бу ерда таъкидлаганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пасайиши номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаоллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршиликларни хунрезликка айлантираётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонларнинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив даъватлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳоламаслик қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарийб 35 йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантирди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронагарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод вояга етдики, улар қурол тутиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азалдан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакилларидан иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

Украина масаласига келсак, бизнингча, юзага келган муаммоларни ҳал этиш усули сифатида куч ишлатишдан воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормаларига ва БМТ Низомига асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш, томонларнинг ўт очишни тўхтатиш ва ярашиш бўйича Минск келишувини сўзда эмас, амалда тўла бажариши Украинада тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар жараёни учун зарур шароит яратиши мумкин.

Афсуски, бу борада кўзда тутилган ва музокара жараёнларига ёрдам берадиган жиддий сиёсий масалалар муҳокамаси ҳамон бошлангани йўқ.

МДҲ давлат раҳбарларининг бугунги учрашувига бевосита тааллуқли бўлган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки кун аввал бизнинг учрашувимизда Украина президенти жаноб П.Порошенко иштирок этиши ҳақидаги хабар муҳим янгилик сифатида тарқатилди. Бироқ, кеча кечқурун жаноб П.Порошенко учрашувга келмаслиги, унинг режалари ўзгариб қолгани хабар қилинди. Бизнингча, бундай қарорни маъқуллаб бўлмайди. Салкам бир йилдирки, Украинадаги қарама-қаршиликлар энг долзарб муаммолардан бири сифатида бутун дунёда, жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудида муҳокама этиб келинмоқда. Дарвоқе, бугун энг чекка туманлар, қишлоқлар аҳолиси ҳам Украинада қандай воқеалар рўй бераётганини телевидение орқали кўриб, билиб турибди. Бундай шароитда ушбу воқеаларга лоқайд қарайдиган одам бўлмаса керак. Украинада нималар юз бераётгани ва булар қандай бошланганидан деярли барча яхши хабардор. Ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятлар қачон ва қандай тугашини ҳамма кутмоқда. Бинобарин, бу муаммо имкон қадар тезроқ ўз ечимини топиши даркор.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: МДҲ давлат раҳбарларидан қайси биримиз жаноб П.Порошенко билан юзма-юз учрашдик? Фақат айримларгина. Ўтган вақт мобайнида П.Порошенко Европанинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, Брюсселда, бошқа давлатларда бўлди.

Ҳолбуки, у МДҲнинг бугунги саммити мажлисида иштирок этиб, имкониятдан фойдаланиши мумкин эди. Дарвоқе, Украина ҳали МДҲ таркибидан чиққани йўқ. Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, жаноб П.Порошенко иккиланиб турибди ва МДҲдан чиқиш фойдами ёки зарарми эканлигини ўзига аниқ тасаввур қила олмаяпти. Энг муҳими, у бугунги мажлисда иштирок этиб, ўз фикрини баён қилганида, Украина муаммосини ҳал этиш борасида биз учун аниқлик киритилган бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги мажлисимиз раиси Александр Григорьевич Лукашенко ўз нутқининг пировардида МДҲни янада ривожлантириш истиқболларини ошкора муҳокама қилиш вақти келганини таъкидлади.

Биз учун МДҲнинг аҳамияти, барчамизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз аниқ ва равшандир.

Ҳамдўстлик — бу амалдаги мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этадиган тузилмадир.

МДҲ мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг вақтида олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бартараф этиш, энг муҳими, собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилишига кўмаклашиш бўйича мақбул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу ҳудудда ўзининг эртанги кунини МДҲнинг шартномавий базаси яратган мулоқотсиз тасаввур қила оладиган мамлакат кам. Ҳатто Грузия ҳам жиддий хатога йўл қўйганини бугун тушуниб етмоқда.

МДҲ маконида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, ўзимизга, яъни Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада мен барча яқин ва узоқ қўшнилар билан бир-биримизни тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятимизни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигини назарда тутмоқдаман.

МДҲ ҳудудида айни пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган мукаммал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради. Бугун Владимир Владимирович Путиннинг ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун энг жозибадор модель сифатида ушбу тартибни ишга тушириш вақти аллақачон етгани ҳақидаги таклифини мамнуният билан тингладим.

Бу халқларимизни яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, бунга биз бежиз алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, собиқ иттифоқ маконида бошқа интеграцион бирлашмалар шаклланирилишига қарамай, МДҲ фаолияти йўлида бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормоқда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаяпмиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, жумладан, негизида Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДҲ ҳам — дарвоқе, ушбу иттифоқ нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди — бир-бирини такрорламасдан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиши, ривожланиш концепцияси ва узоқ муддатли дастурига эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш қийин.

Шу ўринда МДҲ масалаларининг бугунги муҳокамаси уларга бежиз эътибор қаратмаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мен аввал ҳам айнан мана шу залда бу масала бўйича қуйидаги фикрни баён қилган эдим: мазкур жараён шу зайлда давом этаверса, яъни МДҲ саммитларига шунчаки бориб-келинаверса — бу ўзини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунинг учун кўплаб ҳамкасбларимизнинг ушбу масалалар, айниқса, МДҲ истиқболи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун йўлланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 октябрь

### ҒУРУР

## Тўкис шароит янги марраларга ундайди

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари замирида, аввало, инсон манфаатлари, унинг бахти ва халқимизга фаровон ҳаёт, муносиб турмуш шароити яратишдек эзгу мақсад мужассам.**



**Тоҳиржон СОЛИЕВ, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Бундан беш-олти йил аввал жойларда замонавий гузарлар барпо этилаётганини кўриб, қани эди бизнинг маҳаллада ҳам ана шундай иншоотлар қурилса, деб орзу қилардик. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш объектлари билан бир қаторда маҳалламиз гузари ҳам барпо этилгани фаоллар учун айни муддао бўлди.

> [2]

### СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

## Тиббий талаб табиий турмуш тарзига уйғун

**Болалар шифокори сифатида тиббиёт соҳасида 25 йилдан буён хизмат қилиб келаётирман. Кўп йиллар Жиззахлик қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишладим.**



**Луиза УСМОНОВА, Жиззах туманидаги Зиёкор қишлоқ врачик пункти мудири, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

Фаолиятим мустақиллик йилларида бошлангани учун юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ишларида бевосита иштирок этяпман.

Яқин ўтмишда тиббий муассасаларимиз қай аҳволда эди-ю бугун қай даражада юксалганини бир-икки оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди, уларда шаҳардаги тиббиёт муассасаларидан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилган. Муассасамизда 3 нафар умумамалиёт шифокори, 14 нафар малакали ўрта тиббиёт ходими аҳолига хизмат қилаётир.

> [4]

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Ўқув курси машғулотлари билим ва тажрибани оширади

**Фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, маҳаллаларга тизимли услубий ёрдам кўрсатишда Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фаолият юритаётган ўқув курслари муҳим аҳамият касб этмоқда.**



**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Мазкур қарор қабул қилинганига бир йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида машғулотларни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

> [2]

### МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Матонат, ирода ва қатъият соҳибаси




**Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII Осиё ўйинлари давом этаётган кунлар эди.**

**Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

Зарафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холида Эргашева қўнғироқ қилди:

— Суюнчи беринг, маҳалламизнинг Маҳлиёси дунёни маҳлиё қилди, ўзбек қизларининг ҳақиқий Тўмарис авлодидан эканини жаҳонга кўрсатди...

Бу хушхабар кечагина телевизор орқали огоҳ бўлганимиз, оғир атлетика мусобақаларида бронза медалини қўлга киритган Маҳлиё Тоғаева ҳақида эди. Рости, буни аввалроқ билган бўлсам-да, маслаҳатчининг гапларидаги ғурур-ифтихор туйғулари менга ҳам кўчди...

Ҳа, Осиё қитъасининг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада бронза медалини қўлга киритган оғир атлетикачи қизнинг ғалабаси ҳар бир юртдошимизга, айниқса, навоийликларга улкан қувонч туҳфа этди.

> [4]

ҒУРУР

# Тўкис шароит янги марраларга ундайди

< [1]

Муҳтарам Юртбошимизнинг жорий йил 6 октябрь куни вилоятимизга ташрифи чоғида айнан бизнинг маҳалламизда бўлиб, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишгани ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Президентимиз одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кун чирой очаётгани юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик туфайли эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари маҳалламиз ҳудудида намунавий лойиҳа асосида барпо этилиб, истиқлол шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилган уй-жой эгалари билан дилдан суҳбатлашди, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Ҳақиқатан ҳам миллий меъморчилик андозалари асосида барпо этилган уйлар маҳалламиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Халқимизнинг миллий менталитети ҳисобга олиниб қурилаётган ушбу масканларни ҳақиқий ўзбекона гўша, десак асло муболаға бўлмайди. Олти сотих майдонда катта оиланинг аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаши учун барча шароит муҳайё. Бугун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомашиналар нафақат юртимиз кўчаларини безаб турибди, балки янги уй-жойлар ҳовлисига узукка қўйилган кўздек ярашиб тушган.

Мамлакатимиз раҳбарининг учрашувлар чоғидаги самимий суҳбатидан биз андижонликларга ҳурмат-эътибори нақадар юксак эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Айниқса, халқимизнинг орзу-истаклари, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бизнинг маҳалламизда ҳам ўз аксини топаётгани барчани беҳад шодлантиряпти.

Мен маҳалла тизимида кўп йиллардан буён фаолият юритаётганим боис фуқаролар йиғини одамлар оғирини енгил қилаётгани, уларнинг бахтли ва фаровон яшашлари учун барча шароитлар яратиб берилаётганига гувоҳман.

Бугун маҳалламиздаги ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари ҳақида ғурурланиб гапирсак ярашади. Йиғин идораси олдида салобат тўкиб турган гузар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига мўлжалланган. Унинг икки ёнида барпо этилган мажмуалардан сартарошхона, кимёвий тозалаш хизмати, дорихона, гўзаллик салони, чеварчилик, қассобхона, озиқ-овқат, хўжалик моллари ҳамда нон дўконлари сингари йигирмага яқин маиший ва сервис хизмати шохобчаси ўрин олган.

Замонавий услубда барпо этилган йиғин идорасида маҳалла фаоллари учун барча шароит яратилган. Бинодан раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб, маҳалла посбони ҳамда фуқаролар қабули учун махсус жиҳозланган хоналар мавжуд. Шунингдек, милиция таянч пунктининг шу бинода жойлашгани ўзини ўзи бошқариш органи ходимларининг иш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан қурилган футбол майдончаси ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларни жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб улғайишида қўл келяпти. Шу боис ҳар куни ушбу маскан спортсеварлар билан гавжум.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида тадбиркорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш жоиз. Алижон Юнусов гўзал фаввора ва салқин ичимликлар кафесини қуриб, маҳалладошларини мамнун этган бўлса, Тожиддин Холдоров бир гектар майдонда боғ барпо қилди. Гўзаллик салони, озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш дўконларининг фойдаланишга топширилиши фуқароларнинг узоғини яқин қилди. Янги деҳқон бозоридан истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, барча шарт-шароитга эга гузар фаолиятимизни намунали ташкил этишда қўл келади.




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Ўқув курси машғулотлари билим ва тажрибани оширади



< [1]

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Тошкент шаҳар бўлими ходимлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад Юртбошимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни муҳокама қилишдан иборат, — дейди ўқув курслари раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор Сотиболди Бобоқулов, — Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ходимлари олдида турган вазифалар, хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асосларини маҳалла фаолларига тушунтириш ҳам кун тартибидаги долзарб масалалар сирасидан.

Маҳалла фаоллари анжуман давомида жорий йилнинг 26 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган ва 2015 йил 1 январдан кучга кирадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳияти ҳақида ҳам мутахассисларнинг маърузаларини тинглашди.

Дарвоқе, ўқув курсларида ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланилди.

— Илгари ҳам маҳалла фаоллари учун семинарлар ташкил этиларди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси, ўқув курслари тренери Наврўз Мусаев. — Аммо давлатимиз раҳбарининг қарори асосида ташкил этилган ўқув курсларида йўлга қўйилган тартиб, дарслар жадвали, маърузалар мавзусининг долзарблиги, ўқитувчиларнинг билимдонлиги тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Муҳими, маҳалла фаоллари машғулотларда тизимга доир сўнгги янгиликлардан хабардор бўляпти. Соҳага оид қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига доир маърузалар иштирокчиларга манзур бўляпти. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритишни ташкил этиш тартиби, ушбу йўналишда Фонднинг қуйи тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларига услубий ҳамда амалий кўмаклашиш масалалари бўйича машғулотлар самарали бўлмоқда.

Ўқув курсларида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун талаблари, миссионерлик ва турли оқимларга қарши кураш, глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг ёшлар маънавиятига салбий таъсири, «оммавий маданият»нинг оқибатлари, аҳоли орасида одам савдоси, гиёҳвандлик ҳамда фуқароларнинг ноқонуний миграцияси каби муаммолар кенг тушунтириляпти.

Ҳа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари қисқа муддатда ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли уддалаб, маҳалла фаолларининг янада самарали ишлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Кўркам, шинам ва замонавий

**«Ўзбекистон» маҳалласи металлурглар маскани — Бекобод шаҳридаги обод гўшалардан. Йиғинда қад ростлаган кўркам ва чиройли бинолар, хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳудуд кўркига кўрк қўшмоқда.**

**Ашурали БОЙМУРОД**
**«Mahalla»**




Бу ерда бунёд этилган гўзаллик салони, савдо дўкони, миллий таомлар ошхонаси, тикувчилик, нон ва қандолат маҳсулотлари цехи маҳалла аҳли хизматида.

«Сайёра Орзу» масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида барпо этилган замонавий типдаги мажмуа барча қулайликларни ўзида мужассам этган.

— Маҳалла гузарида фаоллар учун алоҳида хоналар бор, — дейди йиғин раиси Раҳматилла Олимов. — Бинода йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, масъул котиб, посбон ҳамда асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзолари учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий компьютер жамланмалари меҳнат унумдорлигига эришишда муҳим омил бўляпти. Мавжуд адабиётлар, рисола ва қўлланмалардан фаоллар ҳуқуқий қўлланма сифатида фойдаланишмоқда.

Гузарда профилактика инспектори учун ҳам алоҳида хона ажратилгани йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоларининг ишини енгиллаштиряпти.

Металлурглар шаҳарчаси марказида жойлашган бу гузар таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар бинолари билан туташ. Жумладан, «Металлурглар» маданият саройи, теннис корти, 2-умумтаълим мактаби, шифохона, меҳмонхона, деҳқон бозори, оталар чойхонаси бутун бир мажмуани ташкил қилган. Маданият саройидаги тўгаракларга маҳалланинг 100 нафардан зиёд болалари мунтазам қатнамоқда. Йиғиннинг спортсевар ёшлари эса теннис корти ҳамда 2-умумтаълим мактаби спорт залидан фойдаланяпти.

Муҳими, мажмуанинг ишга туширилиши натижасида маҳалланинг 30 нафар йигит-қизи ишли бўлди.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# Қут-барака асоси аҳилликда

**— Guten Tag! Wie geht es Ihnen? (Салом! Аҳволингиз яхшими?) саломлашди Дилдора қўшниси немис миллатига мансуб Лейла опа билан.**

**— Danke gut! Und Ihnen? (Катта раҳмат! Сизникичи?) — дея жавоб берди у ҳам.**



**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Ёшлигидан чет тилларига қизиққан Дилдора олийгоҳда немис тилини ўрганмоқда. Унга билимини янада мустаҳкамлашда байналмилал маҳаллада истиқомат қилаётгани қўл келаётир.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Катта Чилонзор-2» маҳалласида корейс, рус, қозоқ, уйғур, татар, немис, турк ва бошқа миллат вакилларининг аҳил-иноқ яшаётгани кўнгилларда хотиржамликни мустаҳкамлайди. Тили ва дини, урф-одати турлича бўлса-да, бу инсонларни юртга садоқат, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат туйғулари бирлаштириб туради.

Маҳаллада комиссиялар фаолияти, «Маслаҳат маркази», «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ва бошқа бўлинмалар иши тизимли олиб борилмоқда. Катта чилонзорликларнинг якдиллиги боис кўчалар обод, саранжом-саришта. Маҳалла ҳудудидаги 261-мактабгача таълим муассасаси, 163-умумтаълим мактаби ва 6-сонли мусиқа ва санъат мактаби, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятидан аҳоли мамнун.

Ёшлар бўш вақтини туман «Баркамол авлод» болалар марказида ташкил этилган тўгаракларда мазмунли ўтказмоқда. Бу, албатта, фуқаролар йиғини ҳудудида осойишталикни таъминлаш, тартиббузарликларнинг олдини олиш, турли миллат фарзандларини фойдали машғулотларга жалб этишда қўл келмоқда.

— Йиғинимизда таълим муассасалари билан ҳамкорликда мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди маҳалла раиси Юнусали Толипов. — Хусусан, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан битта, Ватан ягона», «Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил оила», «Ҳеч кимга бермаймиз сени — Ўзбекистон» мавзуларидаги учрашувлар уюштирилмоқда. Бу каби тарғибот ишлари миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар бардавомлигини таъминлашда, уларни асраб-авайлаш, сайқал топтиришда катта аҳамият касб этаётир.

— Маҳалламизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар уларнинг ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишда қўл келмоқда, — дейди ҳунарманд Марина Головченко. — Маҳалламиз аҳли ўзаро иноқ. Дўст-биродарлар, қўни-қўшнилар билан борди-келдимиз бор. Бундай бағрикенг, саховатпеша одамлар билан бир масканда яшаб, баҳоли қудрат юртимиз равнақига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Бир сўз билан айтганда, катта чилонзорликлар миллати, тили, урф-одатларидан қатъи назар юрт равнақи, фарзандлар камоли йўлида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда.

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# Манзилимиз тароватi кўрган кўзни қувнатади

**Менинг кўп йиллик фаолиятим маҳалла билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу тизимда ишлаб, миллий бошқарувимизнинг нақадар олижаноб ғояларга асосланиши, демократия дарсхонаси эканига амин бўлганман. Бундан ташқари, тарбия ўчоғи саналган қадрдон масканда бирор бола бегона эмас.**

**Эргашхон ая АЛИЖОНОВА, меҳнат фахрийси. Андижон вилояти Асака шаҳридаги «Нурафшон» маҳала фуқаролар йиғини.**

Ҳеч қаерда учрамайдиган ноёб тажриба — ёшларнинг меҳнатсевар, ватанпарвар, билимдон ва касб-ҳунарли бўлиб вояга етишларида ёши улуғлар панд-насиҳатлари, ибратли ҳаёт йўли орқали ҳисса қўшишдек қадрият ҳам айнан маҳаллада шаклланган.

«Нурафшон» маҳалласи биносига кираверишда «Маҳалламизнинг эл ардоқлаган инсонлари» деворий кўргазмасига кўзингиз тушади. Унга ҳудуддаги 13 нафар фахрийнинг сурати илинган. Фахрийлар — оддий деҳқон, ишчи, ўқитувчи, шифокор ва раҳбарлик лавозимларида кўп йиллар фидокорона меҳнат қилган инсонларни маҳалламизнинг чинорларига менгзаймиз.

Йиғинимиз раисаси Ойдона Тожибоева ташкиллаштирадиган турли тадбирлар, давра суҳбатию учрашувларда маҳалла фаоллари, ёши улуғ отахон-онахонлар, тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари фаол иштирок этади. Асака шаҳри ҳокими Иномжон Мамадалиев, Асака тумани ҳокими Тоҳиржон Шоввозов ҳам бундай учрашувларда қатнашиб, юртимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотлар натижаларидан аҳолини хабардор этишади. Ўз навбатида, ҳудуддаги муаммо ва камчиликлар ҳақида фикр алмашиш, уларни бартараф этиш чораларини муҳокама қилишади.

Бундай самимий мулоқотларнинг натижалари ҳудудимиз инфратузилмаси ривожи ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида намоён бўлаётир. Жумладан, маҳалламизда жойлашган 26-, 30-, 36- мактабгача таълим муассасалари, 25-умумтаълим мактабини таъмирлаш ишлари ҳам ҳокимлар кўмагида бажарилди. Маҳалламиздаги Тароват, Гулистон, Бўстон кўчалари тўлиқ газлаштирилиб, ичимлик суви тармоғи тортилди. Замонавий бинолар қад ростлаган бу манзиллар тароватi кўзни қувнатади.

Дарвоқе, яқинда маҳалламизда ташкил этилган учрашув пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга бағишланди. Фаоллар қўшни Бўз туманининг чекка ҳудудларида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга ҳашарчи теримчиларни жўнатиш ташаббуси билан чиқишди. Ташаббус қўллаб-қувватланиб, раиса Ойдона Тожибоева, масъул котиб Мунисхон Иминова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Лолахон Эгамбердиева, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Баҳромжон Саидов бошчилигида бир гуруҳ ҳашарчилар бўзлик фермерларга кўмаклашишга отланишди.



«Нуронийлар» кенгаши аъзолари ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш юритаётгани боис меҳнат унуми ва самарадорлиги ортмоқда. Хусусан, салкам 3 минг нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда ёт оқимлар таъсирига тушганлар йўқ, кейинги бир йил мобайнида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, оилавий ажримлар кузатилмади.

Яна бир ибратли жиҳат шундаки, тадбиркорлардан «GM Uzbekistan» автозаводи қошидаги эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш корхонаси бошлиғи Сойибжон Қўчқоров, хусусий корхона раҳбари Илҳомжон Зулунов касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардан 20 нафарини ишга олиб, маҳалладошларини хурсанд қилишди.

Тўқсон йиллик умрим давомида тўплаган тажрибаларимдан шундай хулосага келдимки, бизнинг оқибатли, андишали, миллий қадриятларни эъзозловчи халқ, дея жаҳонда ном қозонаётганимиз бежиз эмас. Ёшларимиз катталарнинг сўзларига қулоқ тутади, савобли юмушларни қилишга ҳар қайси юртдошимиз ҳар куни интилади. Болалар келажаги Ватан тақдирини белгилашини барчамиз чин юракдан ҳис этамиз. Бизда қўни-қўшничилик тамойиллари кишиларни олижаноб мақсадлар сари рағбатлантириб туради. Бу одатларимиз бошқаларга ўрнак, албатта.

Биз нуронийлар ёшлар, ўрта ёшлилар, қуйингки, жамики маҳалла аҳлидан панду насиҳатларимизни аямаслигимиз, иш бошлаганларига тўғри йўлни кўрсатишимиз зарур. Зеро, ёш авлод — набираю эвараларимизнинг юрт қадрини теран ҳис этиши, қалбида Ватан туйғуси жўш уриши учун барчамиз масъулмиз.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# Маърифат — эзгу ва тўғри йўлнинг дарвозаси

**Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида улуғланади. Кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув яшаши учун барча шароитлар яратилган.**

**Д. ҚАМБАРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими етакчи мутахассиси.**

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни юртимизда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, тенглигини таъминлаб, диний амалларни эмин-эркин адо этиш имконини берди.

Таассуфки, ана шундай эътибор ва ғамхўрликларга қарамай, тинч-осойишта ҳаётимизни кўра олмайдиган, турли диний оқим ва ёт ғоялар таъсирини кенгайтиришга уринаётган ёвуз кучлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Адашганларни тўғри йўлга солиш, улар ортидан кўр-кўрона эргашишнинг олдини олишда маҳалла фаоллари, хусусан, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятининг аҳамияти беқиёс. Шундан келиб чиқиб, маслаҳатчилар ишини тўғри ташкил этиш, уларга услубий ва амалий кўмак бериш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими ҳамда ҳудудий бўлинмалари томонидан аниқ вазифалар белгиланиб, ижроси таъминланаётир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилдаги диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларга оид дастури асосида жойларда тарғибот-тушунтириш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, ҳар бир маҳаллада маслаҳатчи бошчилигида кайвони онахонлар, намунали оилалар ва катта ҳаёт тажрибасига эга аёллардан иборат маслаҳат гуруҳи тузилди. Ноқобил, нотинч ва муаммоли оилаларда яшовчи хотин-қизлар билан алоҳида суҳбатлар олиб борилаётгани, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, мутаассиб ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан ишлашда имом-хатиблар ҳамда расмий фаолият юритувчи отинойилар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилинаётгани ўз самарасини бераётир.

Тарғибот тадбирларида долзарб масалалар қамраб олинмоқда. Масалан, сентябрь ойида Чортоқ туманидаги «Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғини биносида ўтган йиғилишда «Хотин-қизларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш», «Кийиниш маданияти» мавзуларида сўз юритилган бўлса, Норин туманидаги «Чангитма» маҳалласидаги, Наманган туманидаги Тепақўрғон педагогика коллежидаги учрашувларда «Ёшларни ғоявий таҳдид ва «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан сақлаш», Уйчи туманидаги «Шифокор» маҳалласидаги давра суҳбатида эса «Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни» мавзуларида фикр юритилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида айнан шу йўналишда вилоят бўйича 5060 мартадан зиёд йиғилиш, учрашув ва давра суҳбати ўтказилди. Бу тадбирларда аҳоли, айниқса ёшларга ноқонуний диний таълим бериш қандай маъмурий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкинлиги, миссионерлик, прозелитизм, диний экстремизм каби хатти-ҳаракатлар ортида турган манфур кимсаларнинг кирдикорлари, уларнинг асл мақсад-муддаолари содда, ҳаётий мисолларда тушунтирилмоқда.

Айни вақтда вилоятдаги 881 та фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органларининг 149 тасида ахборот-ресурс марказлари мавжуд. Ҳозирда уларнинг фондини зарур адабиётлар билан бойитиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, 643 та маҳаллада «Маънавият ва маърифат хонаси» ташкил этилиб, кўргазмали воситалар, услубий қўлланмалар билан таъминланди. Бу, ўз навбатида, тарғибот тадбирлари самарадорлигини таъминлаётир.

Олиб борилаётган тизимли ишлар туфайли фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тотувлик туйғулари шаклланаётир.




ОЧИҚ МУЛОҚОТ

# Устувор вазифалар ижроси — бирламчи омил



**Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни воята етказиш устувор вазифа саналади. Айни шу мезонлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўсиш суръатини юксалтириш, ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Мазкур масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Миробод тумани ҳокимлиги билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда туман ҳокими Шарофиддин Қодиров ва бошқалар ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини бандлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлар хусусида сўз юритишди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизациялаш, экспорт салоҳиятини кучайтириш ва хорижий сармояларни жалб этиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётир.

Айни пайтда туманда ўндан ортиқ йирик саноат, 520 та қўшма ҳамда 3600 дан зиёд кичик корхона ҳамда Миробод деҳқон бозори ва унинг 3 та шохобчаси ҳудуд иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётир. Жорий йилда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва қувватларини ошириш, касаначиликни ривожлантириш орқали 7300 та иш ўрни яратилди.

— Жорий йилда туманимиздаги 7 та касб-ҳунар коллежини иқтисодиёт, тиббиёт, автотранспорт, темир йўл, енгил саноат, сервис, педагогика каби ихтисосликлар бўйича 2129 нафар йигит-қиз битирди, — дейди Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминова. — Улардан 1269 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 10 нафар битирувчи қизга тадбиркорликни йўлга қўйиши учун кўмаклашдик. Бу ишларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёрдами қўл келаётир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида баркамол авлодни воята етказиш, уларни спортга жалб этган ҳолда соғлом ҳаёт тарзига йўналтириш мақсадида ҳудудда 20 та болалар майдончаси, 42 та спорт майдончаси қурилиб, мавжудларининг 93 таси қайта таъмирланди. Бундан ташқари, ҳозир 51 та спорт зали, 5 та сузиш бассейни, 2 та стадион ва теннис корти ёшлар хизматида.

Тадбирда тумандаги кўп қаватли турар-жой биноларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, шаҳар кўркини бузаётган қўшимча қурилмалар ўрнига аҳолига наф келтирадиган объектлар қуриш борасидаги ишлар хусусида ҳам маълумот берилди.

Журналистлар иштирокидаги бундай мулоқотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида аҳолининг мазкур тузилмалар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусидаги хабардорлигини оширишга хизмат қилади.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Касби чинакам бунёдкорлик касб этмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 июлда қабул қилинган «Қашқадарё вилояти Касби туманини 2014–2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги йиғилиш баёни доирасида олиб борилаётган бунёдкорлик аҳолини яратувчанлик, яшаб турган гўшасининг ободлигига ҳисса қўшишга ундамоқда.**

**Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

Шижоатли тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан маҳалла, қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизиб, ичимлик суви қувурларини янгилашга ҳисса қўшмоқда. Ана шундай саховатпешалар ёрдами ва кўмаги билан юздан ортиқ кам таъминланган оиланинг уйлари таъмирлаб берилди, қабристон ва зиёратгоҳларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Туманнинг энг чекка Оқжангал ва Қатағон қишлоқларига сув қувурлари тортилди. Оққамиш ҳамда Жизза қишлоқ фуқаролар йиғини кўчаларига шағал тўкилди. Ҳадемай асфальт ётқизилади.

Дастур доирасида тумандаги қишлоқ ва маҳаллаларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларни қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳозиргача 2016 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга тушириш режалаштирилган. Улар фаолият бошлаши билан 182 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Биргина «Хўжакасби» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 та шохобча фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

— Маҳалламиз кун сайин чирой очмоқда, — дейди йиғин фаоли Файзи Қурбонов. — Илгари рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиш учун туман марказига қатнардик. Энди бунга ҳожат қолмади. Хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятидан аҳоли мамнун. Тез орада янги тўйхона ва спорт майдончаси қуриш ишлари ҳам якунига етади.

Дастур доирасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими туман бўлинмаси билан биргаликда 6 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 23 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари олиб бериш кўзда тутилган. Айни пайтгача Қорақўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини ва «Обод юрт», «Оқжангал» маҳаллалари мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Бир пайтлар ҳашар йўли билан қурилган Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинининг биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун Фонд ҳисобидан 5 миллион 100 минг сўм сарфланди. Айни кунларда Ғалаба, Денов, Қорақўнғирот, Қамаши қишлоқ фуқаролар йиғинлари биноларида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. 2016 йилга қадар жами 16 та фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирланади.

— Туманимиздаги 7 та фуқаролар йиғини ижарада фаолият кўрсатиб келаётган эди, — дейди Касби туман бўлинмаси раиси Рустам Тўраев. — Уларнинг 2 таси замонавий бино билан таъминланган бўлса, 5 та фуқаролар йиғинининг янги идоралари қурилиши якунланаётир. Айниқса, Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик замонавий маҳалла гузари қурилади.

Ҳа, бугун Касби туманининг қишлоқ ва маҳаллаларида бажарилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ишлари замирида эзгу ишларнинг рўёби мужассам.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Сармоялар тараққиётнинг таянчидир

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тахминан 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 марта ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлмиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз фахр бағишлайди.**



**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Бундай юксак натижаларни мустаҳкам молиявий барқарорлик ва ишончли банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари орасида «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Навоий вилояти филиалининг сўнгги йилларда эришаётган салмоқли ютуқ ва натижалари мақтовга арзигулик.

Мазкур муассасанинг кредит қўйилмалари ҳажми жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 47,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, уларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан иборат. Ушбу сармоялар иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган.

***Шоди ИСМОИЛОВ, Навоий шаҳридаги «Экспресс-сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси директори:***

*— Кўп йиллардан буён «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Навоий вилояти филиалининг молиявий кўмагидан фойдаланиб келяпмиз. Банкнинг имтиёзли кредити эвазига ўтган йили шаҳар марказидаги «Флора» мажмуасини қайта таъмирлаб, ҳамюртларимиз ва шаҳримиз меҳмонларининг дам олишлари учун мажмуа барпо этдик. Ундан ўрин олган болалар ўйин майдончалари, турли мультфильм ва эртак қаҳрамонлари билан биргаликда саргузаштлар оламига саёҳат ҳамда тантана ва маросимлар учун замонавий жиҳозланган зал мижозлар хизматида. Бундан ташқари, қандолатчилик цехини ишга тушириб, 35 нафар янги иш ўрни яратдик. У ерда тайёрланаётган 30-40 турдаги ширинликлар юртдошларимиз дастурхонини безамоқда. Бунда, албатта, ушбу молия муассасасининг хизмати эътиборга лойиқ.*

Таъкидлаш жоизки, банк жамоаси бир қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётир. Бу, аввало, муассасанинг ҳар бир ходими ўз вазифасига масъулият билан ёндашаётгани, мижозларнинг мурожаатлари, тушаётган таклиф ва мулоҳазаларнинг эътиборсиз қолмаётгани, энг асосийси, банк хизматларини кўрсатишда илғор технологиялардан кенг фойдаланилаётгани туфайлидир. Айнан шундай тартиб ва эътибор натижасида мижозларнинг банкка ишончи ортиб, улар сафи кенгаймоқда. Ҳозир филиал ва унинг 4 та шохобчаси 29,4 минг нафар мижозга сифатли хизмат кўрсатяпти.

Шу йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 24,6 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес вакилларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун 8,8 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Бунда Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, бизнес-режаларини тузиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим масалалардан. Буни яхши англаган мазкур филиал ходимлари Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини ижросини таъминлаш мақсадида 94 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратди.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланаётганлар юрт ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга камарбаста бўлишаётир.

***Шерзод ХЎЖАЕВ, «Престиж Миллениум» масъулияти чекланган жамияти раиси:***

*— Мен ҳам ёш тадбиркор сифатида мазкур банк хизматидан мамнунман. Имтиёзли кредит асосида 70 та «Isuzu» автобусини сотиб олиб, Навоий шаҳар кўчаларида қатновни йўлга қўйдик. Натижада 140 нафар фуқаронинг бандлигини таъминладик. Келгусида ҳам банк жамоасининг замон талабларига мос молиявий хизматларига таянамиз.*

Бундан ташқари, банк томонидан вилоятда тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига биноан ўз бизнесини йўлга қўйган хотин-қизларга 1,5 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди. Бунинг натижасида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаётган юзлаб хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

***Хизматлар лицензияланган.***

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Яхшилик дарахти тинч маконда ўсади

**Тўғрисўз, адолатпарвар, самимий инсонлар яхшиликнинг қадрини ҳар қадамда ҳис этиб туришади. Бундай ҳис-туйғу, чин инсоний фазилатлар меҳр-оқибат маскани — маҳаллада куртак ёйиши, ёшлар эса бундан маънавий озиқ олиб ўсиши бор гап.**

**Ғайрат ЮСУПОВ,**
**Хоразм вилояти Хива тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Маҳалламиз яқинда ўтказилган «Энг намунали фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида «Ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари билан самарали фаолиятни йўлга қўйган фуқаролар йиғини» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Бу ютуқ фаолиятимизни янада кучайтиришга туртки берди.

Бундай эътирофга эришишда, аввало, ҳудудда тартиб-интизомни сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича тўплаган тажрибамиз қўл келди. Йиғинимиз қошида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти самарадорлигини оширишда Фонднинг вилоят бўлими, туман бўлинмаларининг ҳиссаси катта.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори саъй-ҳаракатларимизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Низомда жамоатчилик тузилмасининг асосий вазифалари, уни тузиш тартиби, тузилмага аъзоларни қабул қилиш, раҳбарини тайинлаш қоидаси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Айни пайтда маҳалламизда истиқомат қилаётган аҳоли хавфсизлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича назорат ўрнатилган. Тузилма аъзолари ва фаоллар ҳар куни хонадонларда бўлиб, оилавий низолар, чет элдан қайтган фуқаролар ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар билан мулоқот қилишади. Юзага келган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўришади.

Ҳудуддаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳар ойда икки марта «Огоҳликка даъват», «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Ёш умрингни хазон қилма» каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилади. Тузилма аъзоларининг саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ, кейинги йилларда воята етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган фуқаролар сони сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари, ҳудудда кечки соат 21:00 дан сўнг воята етмаган ёшларнинг кўча-кўйда ёлғиз юришлари назоратга олинди.

Мухтасар айтганда, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси билан биргаликда амалга ошираётган ишларимиз ягона мақсад — маҳаллада тартиб ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини соғломлаштиришга қаратилган. Зеро, маҳалла тинч экан, юрт осойишта, турмуш фаровон бўлади.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

# Тиббий талаб табиий турмуш тарзига уйғун

< [1]

Қишлоқ врачлик пунктимиз «Зиёкор» ва «Ховостлик» маҳаллаларининг 10 мингдан зиёд аҳолисини қамраб олади. Таъмирдан чиқарилган бинодаги физиотерапия, акушерлик, муолажа хоналари тиббий аппаратлар, мебель ва лаборатория, ташхис воситалари билан жиҳозланган. Физиотерапия хонасида УВЧ, УЗД аппаратларидан фойдаланяпмиз. ЭКГ, мини-скрининг лаборатория, бинокуляр микроскоп каби энг замонавий ускуналар аниқ ташхис қўйишда қўл келмоқда. Шунингдек, 2 ўринли кундузги стационар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасига алоҳида эътибор берилаётгани туфайли бу йўналишдаги даволаш-профилактика ишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳудуддаги туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги тўлиқ назоратга олинган. Улар тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликларга қарши соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, мактаб ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Оиланинг бахти фақат фарзанд кўришдагина эмас, балки уни соғлом ва баркамол вояга етказишдадир. Жамоамиз аъзолари ушбу ҳақиқатни қишлоқдаги ҳар оилага тушунтириш учун маънавий тарғибот ишларини кучайтираётир.

Аксарият ҳолларда қишлоқ аёллари табиий, тиббий талабларга риоя қилишмайди. Ёш оилаларда кўпинча тезроқ фарзандли бўлиш истаги кучли бўлади. Бунда фақат аёлни айблаш тўғри эмас. Чунки фарзанд ота ва онанинг хоҳиши билан дунёга келади. Шунинг учун оилаларда ўтказаётган суҳбатларда аёллар 21-36 ёш оралиғида фарзанд кўрсалар болалари соғлом бўлиши, аксинча, бу ёшдан эрта ва кеч фарзанд кўрган оналар ўртасида турли касалликлар учраши тушунтирилмоқда, яқин қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда.

Миллий менталитетимизга зид айрим одатларнинг, иллатларнинг турмушимизда ҳануз учраётгани ачинарли. Шу боис аҳоли ўртасида ОИТС каби касалликларнинг тарқалишига қарши тарғибот, тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Ҳозир ҳудудимизда бу касалликка чалинганлар йўқ. Бу иллатнинг кейинчалик ҳам учрамаслиги учун тушунтириш ишларини, хорижга узоқ муддатга бориб келганларнинг тиббий кўрикдан ўтишларини назорат қиляпмиз.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Бу мукофот фақат менга эмас, жамоамизнинг қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишга қўшаётган ҳиссасига берилган катта баҳо, деб ҳисоблайман. Бу эса мени ва ҳамкасбларимни элимиз саломатлиги муҳофазасида янада самарали меҳнат қилишга ундайди.




МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# Матонат, ирода ва қатъият соҳибаси



< [1]

Маҳлиё — оиланинг кенжаси. Онаси Маҳфуза опа чевар бўлгани ва тикувчиликни қиз бола учун энг яхши ҳунарлардан, деб ҳисоблагани боис қизалоғининг ип-игнага меҳр қўйишини истаганди. У бунга эришиш учун ҳарчанд уринмасин, Маҳлиё Зарафшон шаҳридаги «Прогресс» спорт мажмуасида мураббий бўлиб ишловчи отаси Абдулла Тоғаевга кўпроқ эргашди.

— 1999 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманидан Зарафшон шаҳрига кўчиб келдик ва мен спорт мажмуасида иш бошладим, — дея эслайди Абдулла ака. — Ўшанда Маҳлиё етти ёшда эди. Ҳар куни ишга отланарканман, у: «Дадажон, мен ҳам сиз билан бораман!», деб туриб оларди. Акалари Маҳмуджон ва Нуриллоларни ўзим билан бирга олиб кетишим унинг бизга ҳамроҳ бўлиш истагини янада кучайтирарди. Чунки Маҳлиё болалигидан опаси Сурайё билан эмас, акалари билан кўпроқ ўйнар, уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиларди. Хуллас, у мактабга чиққач, дарсдан кейин тўғри спорт мажмуасига келадиган бўлди.

Оғир атлетика ўз номи билан спортнинг энг оғир, шуғулланувчидан куч ва матонат, ирода ва қатъият талаб қиладиган тури. Мураббий сифатида буни ҳис қилган Абдулла ака Маҳлиёнинг феъл-атворидаги қатъиятни сезиб турса-да, дастлаб унинг тош кўтаришига рухсат бермади. Ҳатто қизини етаклаб бошқа машғулотларга ҳам олиб борди. Бироқ Маҳлиё ўз фикридан қайтмади. У оғир атлетикачи бўлишга аҳд қилганди.

Хуллас, тинимсиз машқлар, изланишлар бошланди. Маҳлиёдаги ишонч, талабчанлик, мақсад йўлидаги интилиш бу машқларнинг вақти келиб самара беришидан дарак эди. Бугун Маҳлиё эришган натижалар, қўлга киритган ютуқлар — бунинг исботи. У ҳозиргача Осиё кубоги ўйинларида тўрт карра биринчиликни қўлга киритди, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлди. Хитой ва Кореяда ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади. 2009 йилда Ўзбекистонда, 2010 йилда эса Иорданияда ўтказилган Осиё интер клублари ўртасидаги чемпионатларда кетма-кет мутлақ ғолиб бўлди. 2013 йили Польшада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли ўнликдан жой олди.

— XVII Осиё ўйинларидан аввалроқ Қозон шаҳрида ўтказилган жаҳон универсиадасида 53 килограмм вазн тоифасида тўртинчи ўринни эгалладим, — дейди Маҳлиё. — Аслида бу ёмон кўрсаткич эмас эди, бироқ мен бундан ҳам яхшироғини кўзлаган эдим. Шу боис Осиё ўйинларигача тинимсиз шуғулландим, тайёргарликлар жараёнида беш килога оздим, 48 килограмм тоифада аввалгидан юқори кўрсаткичга эришдим.

Дарҳақиқат, Қозон шаҳрида ўтказилган XXVII жаҳон универсиадасида дунёнинг 170 га яқин мамлакати вакиллари спортнинг 27 тури бўйича куч синашдилар. Маҳлиёнинг хотин-қизлар ўртасидаги оғир атлетика баҳсларида штангани даст кўтаришда 77, силтаб кўтаришда 96, иккикураш бўйича 173 килограммлик кўрсаткичга эришиши кўпчилик учун ҳайратланарли ҳол эди. Лекин бу унинг ўзини қониқтирмагани келгусидаги катта муваффақиятларга йўл очди. Маҳлиё Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси ҳисобига биринчилардан бўлиб бронза медалини туҳфа этди.

— Маҳлиё сингари ёш спортчиларимиз эришаётган улкан ғалабалар мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг натижасидир, — дейди «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холида Эргашева. — Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» мусобақалари ўтказилаётгани, жойларда барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари ўзбек ўғил-қизларининг жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига омил бўлмоқда. Ана шу мусобақалар иштирокчилари келгусида Осиё ва жаҳон чемпионлари бўлиб етишмоқда.

Тоғаевлар оиласи маҳаллада «Чемпионлар оиласи» деб ном қозонган. Маҳлиё ва унинг акалари Маҳмуджон ҳамда Нурилло кўп марта Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Уларнинг мақсади — жаҳон чемпиони деган шарафли номга эга бўлиш.

— Мен ва акаларим ана шу улуғвор мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат қилиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиламиз ва Юртбошимиз ишончини оқлаймиз, — дейди Маҳлиё.

Ундаги қатъийлик, нигоҳларидаги ишонч бу мақсаднинг албатта, рўёбга чиқишини далиллаб турибди.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Муваффақиятлар яратилган зўр шароитдан

**Ёшларни спортга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Наманган вилояти Норин туманида замонавий спорт майдонлари ва заллари барпо этиш, жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга молик.**

**И. РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида 8 та умумтаълим мактабида спорт зали қурилди. Ҳаққулобод шаҳрида бадиий гимнастика зали ишга туширилди. «Шодлик» ўйингоҳи ҳашар орқали қайта таъмирланиб, барча шароитлар яратилди.

Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган туман ёшлари вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келаётир. Жумладан, яқинда эркин кураш бўйича Ҳиндистонда ўтказилган Осиё биринчилигида Умиджон Усмонов олтин медални қўлга киритган бўлса, Маъруфжон Эргашев айнан шу йўналишда Ўзбекистон чемпиони мақомига эришди. Шунингдек, Бобур Ҳайдаров самбо бўйича Осиё чемпиони, боксёр Аббос Олимов республика кубоги соҳиби бўлди.

Бугунги кунда туманда спортнинг 318 та секция ва бўлимлари фаолият кўрсатиб келаётир. Уларда 26 минг нафардан зиёд болалар ва ўсмирлар спортнинг 18 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Норинлик ёшлар маҳалла тизимида ташкил этилаётган «Футболимиз келажаги» ҳамда «Маҳалламиз паҳлавонлари» баҳсларида ҳам муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаётгани фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мутасадди ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганидан далолат.




# Кобулда портлаш

**Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида террорчи-худкуш хорижлик соқчилар машинасига портловчи моддалар билан бориб урилди.**



«Reuters« ахборот агентлигининг хабар беришича, тўқнашув оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган, уч нафар киши жароҳатланган. Ҳодиса АҚШ ҳарбий базаси, БМТ ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар биноси жойлашган мавзедаги Жалолобод йўлида содир бўлди.

Портлаш учун жавобгарликни Толибон ҳаракати ўз зиммасига олган.

# Тиббиётчилар истаги

**Англия ва Шимолий Ирландия миллий соғлиқни сақлаш хизматининг бир неча минг нафар кичик тиббиёт ходимлари тўрт соат давомида иш ташлашди.**

«ВВС» телерадиокомпанияси маълумотларига кўра, мазкур тадбир ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида илк бор кузатилган. Ўтган асрнинг 82-йилида тиббиётчилар ҳукуматдан маошларини ошириш талаби билан чиққанди.

Қизиқ томони шундаки, касаба уюшмаси ташкилотларининг талаби унчалик катта эмас: тиббиётчилар ўз иш ҳақларини бор-йўғи 1 фоизга оширишга эришмоқчи. Бироқ ҳукумат вакилларининг сўзларига қараганда, бу бюджет учун жуда қимматга тушади.



Тадбирга 6 та касаба уюшмаси ташкилоти, жумладан, ҳамширалар ва акушерлар қатнашган. Шунда ҳам улар барибир туғуруқ жараёнларида кўмаклашишини билдиришган.

# Қиммат спорт брендлари

**«Forbes» журнали жорий йилнинг энг қиммат спорт брендларини эълон қилди.**




Нашрнинг расмий сайтида қайд этилишича, рейтинг тўрт тоифа: спортчилар, компаниялар, воқеалар ва жамоалардан иборат. Спортчилар рўйхатида шахсий брендини журнал 37 млн. АҚШ долларига баҳолаган «Кливленда» жамоаси баскетболчиси Л.Жеймс етакчилик қилган. Ундан кейинги ўринларни гольфичи Т.Вудс (36 млн.) ва теннисчи Р.Федерер (32 млн.) эгаллаган.

Энг қиммат спорт компанияси рўйхатидан «Nike» (бренди 19 млрд. долларга баҳоланган), шунингдек, «ESPN» (16,5 млрд.) ва «Adidas» (5,8 млрд.) ўрин олган. Энг қиммат спорт тадбирлари рейтинги аввалида «Супер Боул« (500 млн.) турибди. Ундан кейинги қаторларни ёзги (348 млн.) ҳамда қишки (285 млн.) Олимпия ўйинлари эгаллаган.

Энг қиммат жамоалар рўйхатида «Нью-Йорк Янкиз» бейсболь клуби (521 млн.) пешқадам. Шунингдек, Мадриднинг «Реал» (484 млн.) ва «Барселона» (438 млн.) клублари ҳам етакчилар сафида.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

# Уйда яхши удум бўлса, фарзанд уятга қолмайди

**Ниёзбекнинг оиласида келишмовчилик юзага келганда маҳалла фаоллари эр-хотинни яраштириб, муаммони бартараф этишди. Бироқ хонадондаги жанжаллар оқибатида ўсмир ёшидаги фарзанди бироз жиззаки, асабий бўлиб қолгани ота-онани ташвишга солди.**

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Фарзанд тарбияси, аввало, оиладаги муҳитга, катта ёшдагиларнинг ўзаро муомала-муносабатига боғлиқ. Ота-она фарзандини тўгаракларга жалб этиши, унга соғлом турмуш тарзи ҳақида тинимсиз панд-насиҳат қилиши мумкин, аммо ўзлари ибрат кўрсатмаса, кутилган натижага эришиш мушкул.

— Отам — менинг биринчи устозим, — дейди шашка бўйича беш карра жаҳон чемпиони Саидқосим Алиев. — Бўш вақтларида биз билан шашка ўйнайди, китобхонликка даъват этади. Мен шундай муҳитда вояга етяпман. Ақлимни таниган чоғларимдаёқ ёши катта маҳалладошларни шашкада мағлуб эта олардим. Саккиз ёшимда илк бор жаҳон чемпиони бўлдим.

Демак, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом ўсиши, маънан етук бўлиши учун унинг ўзи ҳам мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиши, китоб мутолаа қилиши, атрофидагиларга чиройли муомалада бўлиши зарур.

— Ота-оналарнинг маънавий, руҳий, ҳуқуқий, тиббий ва иқтисодий саводхонлигини оширишга эътиборни кучайтириш, уларнинг билим эгаллашлари учун турли усуллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, — дейди Ғиждувон тумани Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» раҳбари Шафоат Мирзаева. — Шу боис ўтказиладиган маърифий тадбирларга мутахассисларни таклиф қиламиз. Бу эса қатнашчиларнинг дунёқараши кенгайиб, оилада соғлом муҳит барқарор бўлишига замин яратаётир.

Тузилма аъзолари томонидан, аввало, ҳар бир оиланинг шарт-шароити, маънавий муҳити ўрганилди. Вояга етаётган болаларга ота-оналарининг диққат-эътибори таҳлил қилиниб, келинган хулосалар асосида оилалар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари маъмурияти, ўқитувчилари билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилди. Ҳар бир ўқувчининг давомати, ҳулқ-атвори борасида аниқланган муаммолар юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

— Аввалига маҳалла фаоллари университет машғулотларига таклиф этишганида истар-истамас борардим, — дейди шу ҳудудда яшовчи Ҳурмат Тўқлиева. — Аммо кейинчалик бу тадбир биз ота-оналар учун ниҳоятда муҳимлигига амин бўлдим. Қизим анча қизиққон бўлиб қолганди. Маърузаларда иштирок этган тиббиёт ходимлари, мутахассислар бу ёшдаги ўсмирлар руҳиятида кечадиган ўзгаришлар ҳақида, улар билан муносабатда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида тушунча беришди. Шу тавсиялар асосида қизимни тушуна, у билан тил топиша бошладим.




Университет томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирларда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, ҳудудий профилактика инспектори, комиссиялар аъзоларининг ҳамкорлиги қўл келмоқда. Ўз навбатида, бундай давра суҳбатлари ва мулоқотлар оилалар мустаҳкамлигини таъминлаб, қўшничилик муносабатларининг янада яхшиланишига ҳам замин яратаётир.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
***Босмахона манзили:***
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
Баҳоси келишилган нархда.

**Нашр кўрсаткичи: 148** **20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1120** **Топшириш вақти — 21.00** **Топширилди — 21.00**